

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратлари (давоми)



11:00 / 15.08.2019 2463

Аллоҳ таолонинг инояти ва ёрдами билан мусулмон уммати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳаётларининг ҳар бир лаҳзасини катта аниқлик ва эътибор билан ўрганиб, авлоддан авлодга нақл қилиб келди. Муҳаддис уламоларимиз бу ривоятларни аниқ илмий йўл билан тадқиқ қилиб, китобларга битдилар. Улар ҳақида китобимизнинг аввалида, тарих илмининг ёзилиши ҳақидаги мавзуда сўз юритдик.

Юқорида ўтган маълумотлардан Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таолонинг энг афзал бандаси ва пайғамбари эканларини ўргандик. Бу улкан ҳақиқатда заррача ҳам шубҳа йўқ. Шундай бўлганидан кейин ана ўша энг афзал зотнинг дунёга келишларига Аллоҳ таоло энг

муносиб жамият, энг афзал макон ва замонни танлашида ҳам заррача шубҳа бўлмаслиги керак.

Аллоҳ таоло Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дунёга келишлари учун араб жамиятини энг муносиб деб топди. Бу жамият ўша вақтдаги энг жоҳил жамият эди, чунки бу жамият асрлар давомида ўқиш-ёзиш, фан-маданият, илм-маърифат, дину диёнат, қонун-қоида, тартиб-интизом деган нарсаларни билган эмас.

Агар мазкур омилларни ўзида мужассам қилган халқ ичидан охириги замон пайғамбарини танлаб олинганида, одамлар «Бу халқ эскитдан ҳамма нарсани билиб келган, бу динни ҳам ўзлари ўйлаб, жорий қилишган», дейишлари мумкин эди. Бу нарсалардан холи бўлган араблардан ўзларига ўхшаган уммий шахснинг пайғамбар бўлиши ва у зотнинг раҳбарликларида қисқа муддатда бутун дунёнинг жаҳолат ботқоғидан Ислом нурига олиб чиқилиши эса илоҳий мўъжиза бўлар эди.

Арабларнинг сиртдан нуқсон бўлиб кўринган мазкур сифатлари Аллоҳ таолонинг иродаси билан Ислом хизмати йўлида фазилатга айланди, чунки мазкур омиллар туфайли уларнинг фикрига бирор мафкура чуқур ўрнашмаган эди. Бу эса арабларнинг бутун вужудига Ислом таълимотларининг таг-туби ила ўрнашиб кетишига ёрдам берарди. Уларнинг ҳеч кимга бўйсунмаганлари Аллоҳдан ўзгага ибодат қилмаслик ишида ёрдамчи бўлар, қолаверса, ана шундай жоҳил халқнинг қисқа муддат ичида инсониятга ҳидоят маёғи бўлиб қолишининг ўзи илоҳий мўъжизага айланарди.

Аллоҳ таоло Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дунёга келишлари учун дунёнинг энг муносиб ўлкаси – Арабистон яриморалини танлади. Бу ўлка қадимий пайғамбарлардан кўпларига ватан бўлган ўлка эди. Идрис, Нух, Худ, Солиҳ, Исмоил алайҳиссаломлар мана шу ўлкада яшаб ўтган, Иброҳим алайҳиссалом мана шу ўлкага Байтуллоҳни қурган эдилар. Мусо алайҳиссаломга мана шу ўлканинг Мадян номли жойида пайғамбарлик берилган эди. Фиръавн ва унинг қавмининг тазйиқиға учраган яҳудийлар мана шу ўлкадан паноҳ топишганди. Шунингдек, румликларнинг душманлиғига дучор бўлган насронийлар ҳам мана шу ўлканинг Нажрон номли жойидан (Яман билан Ҳижоз оралиғи) паноҳ топишди. Аллоҳ таоло бу ўлканинг табиий, жуғрофий ва сиёсий ҳолатларини ана шундай ишлар учун жуда ҳам қулай қилиб қўйган эди.

Аллоҳ таоло Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дунёга келишлари учун дунёнинг энг афзал нуқтаси – Маккаи мукаррамани ихтиёр қилди. Аввало, бу муқаддас шаҳар ер шаридаги қуруқликнинг қоқ киндигида жойлашган эди. Дунёдаги энг охирги, энг мукамал, ҳамма замон ва маконлар, ҳамма халқлар учун кўзланган шариатнинг маркази айнан ана шундай жойда бўлиши матлуб эди.

Энг муҳими, бу шаҳарнинг бағридан пайғамбарларнинг отаси бўлмиш Иброҳим алайҳиссалом ўғиллари Исмоил алайҳиссаломнинг ёрдамида Аллоҳ таолонинг амри ила қурган Каъбаи муаззама жой олган эди. Ўз навбатида, Байтуллоҳни ҳамма араблар муқаддас ҳисоблашар эди. Иброҳим алайҳиссаломнинг даврларидан буён одамлар у ерга ҳаж қилишарди. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ислом динини жорий қилиш учун бундан кўра афзалроқ макон бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

Замонга келадиган бўлсак, Аллоҳ таоло Ўзининг чексиз ҳикмати ила Ислом пайғамбари Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дунёга келишлари учун энг муносиб пайтни ихтиёр қилди.

Ўша пайт бутун дунёга, барча инсониятга аталган, барча замон ва маконларга салоҳияти бор, барчага қиёматгача икки дунёнинг бахтини таъмин эта оладиган дин жорий қилинишининг айни замони эди.

Анчадан буён самовий дин юборилмаётган, Аллоҳ таоло тарафидан юборилган самовий динларнинг барчаси одамлар томонидан бузилиб, ўз кучи ва таъсирини мутлақо йўқотган эди.

Бутпарастликнинг ҳам шармандаси чиқиб, ҳеч ким унга эътибор бермай қўйган эди. Унга фақат мутаассиблик учунгина ота-боболардан қолган мерос сифатида қараларди. Турли бутпараст халқларнинг раҳбарлари ўз имтиёзларини сақлаш учун халқларни мажбурлаб, бутпарастликда ушлаб туришарди.

Мажусийлик ҳукм сурган Форс, Хуросон ва уларга яқин бўлган ўлкаларда ҳаётнинг барча соҳаларида бебошлик ҳукм сурар, уларда подшоҳ ва ҳукмдорлар халқнинг қонини ичишар эди. Мажусийликнинг зардуштийлик, монавийлик (монийлик) ва маздакийлик оқимлари инсоннинг инсонийлигини йўқотиши учун барча шароитларни таъминлаб берган эди. Уларда эр кишининг ўз онасига, синглисига ёки қизига уйланиши мақтовга сазовор иш ҳисобланарди. Шунинг учун насл-насабдан асар ҳам қолмаган, бундай тузум ва таълимотларнинг инсониятга бирор эзгулик ато қилиши

ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

Ўша пайтдаги кенг тарқалган таълимотлардан бири – ҳиндуийликка келсак, аҳвол аввалгилардан ҳам баттар эди. Бу таълимотга биноан, кишилар турли табақаларга бўлинарди. Бир табақа шоҳ, бошқаси гадо бўлиб яшаши муқаррар эди. Ибодат борасида эса ақл бовар қилмайдиган ишлар қилинарди. Ҳиндистондаги баъзи тоифалар орасида ҳаттоки эркак ва аёл кишиларнинг жинсий аъзоларига ибодат қилиш йўлга қўйилган эди. Бундай нарсалар инсонга нима тақдим қила олиши мумкин?! Бундай нарсалар инсоният пешонасидаги ор эмасми?!

Арабистон яриморотидаги ширк ва зулму аҳмоқгарчиликлар ҳақида гапириб ўтирсак ҳам бўлади. Бошқалар қатори, бу ерда ҳам пасткашлик ва разолат ўзининг энг авж нуқтасига чиққан, ҳаромхўрлик, зинокорлик, ароқхўрлик, зўравонлик, ўғрилик, қароқчилик ва бошқа разилликлар кенг тарқалган эди.

Одамлар нимани кўрсалар, нимани топсалар – ҳайвон сўйилганида оққан қонми, ҳаром ўлган ҳайвоннинг гўштини ёки ундан ҳам баттарроқ нарсами, зўр иштаҳа билан ер эдилар.

Зинокорлик қилмаган одам аҳмоқ ҳисобланар эди. Зинонинг турли-туман услублари кенг тарқалган, эр ўз хотинини аслзода ҳисобланган бошқа бир эркакнинг олдига олиб бориб: «Сиздан болали бўлиши учун хотиним билан алоқа қилинг», деб илтимос қилиши эса мардлик ҳисобланар эди.

Ароқхўрлик фахрланишга арзигулик иш эди. Мардлик ва шижоати билан ном қозонган бирон киши ароқ ичиб ўтирганида, отасининг ўлдирилгани ҳақида хабар келиб қолса, «Бугун хамр – эртага амр», деб, ароғини ичишда давом этаверарди.

Жоҳилият даврида арабларнинг ўз оиласида туғилган қиз болани тириклай кўмиб юбориши, бир қабиланинг шу қабиладаги кампирнинг хаста туясини ўлдириб қўйган бошқа қабила ила юз йил уруш қилиши, ўз «худо»сини уйда унутиб қолдирганда, тўрвасидаги хурмо мевасини бир-бирига ёпиштириб «худо» ясаб олиши ва унга ибодат қилиши, қорни очганда эса ўша «худо»ни еб қўйиши оддий бир ҳолат эди.

Гапнинг қисқасини айтадиган бўлсак, милодий VII асрнинг бошига келиб, дунё жаҳолат ботқоғига тўла ботган, у шу ботқоқдан чиқишга жуда муҳтож эди.

Дунё турли тузум ва динларнинг зулмати ичида қолган бўлиб, у мазкур зулматлардан нурга чиқишга талпинарди.

Дунё кенг тарқалган зулм ва истибдоддан инграб, адолат нашъасини суришга орзиқарди.

Дунё бандаларнинг бандаларга ёки ўзлари қилиб олган сохта худоларга ибодати билан тўлганди. Мазкур ҳолатдан қутулишнинг вақти келган, барча халқ, барча уммат ягона Роббга ибодат қилишга жуда-жуда муҳтож эди.

«Ислом тарихи» биринчи китоб